



БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзусидаги

2024
10 май



РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ

Бухоро-2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғликлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида 2024 йил 10 май куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА)** мавзусидаги Республикао микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан кизикувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

Масъул муҳаррир:

БухДУ профессори, тарих фанлари доктори

Ҳ.Ҳ.Тўраев

Таҳрир хайъати ва аъзолари:

О.Х.Ҳамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор
Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор
А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент
Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент
С.И.Иноятов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.
М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
Ф.Ҳ.Бобожонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н
А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)
Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)
О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,
Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Темиров Ф.У. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири
Умаров Б.Б. – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси
Носиров Ш.Ў– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг
ўзлари масъул ва жавобгардир*

Qurbonov Murodjon Dehqonboy o'g'li. MIRZA SALIMBEKNING TARIXIY O'LKASHUNOSLIK ILMI RIVOJIGA QO'SHGAN HISSASI.....	143
Xamrayev Iskandar Murotjonovich. BUXORO SHAHRI SUV TA'MINOTIDA BOLO NOVUZNING O'RNI VA AHAMIYATI.....	147
Nigmatov Alisher Xayrulla o'g'li. BUXORO XONLIGI VA AMIRLIGINING ELCHILLIK ALOQALARI.....	148
Tojiyev Dostonjon Beknazar o'g'li. BUXORO AMIRLIGINING BUYUK BRITANIYA, ERON VA USMONIYLAR IMPERIYASI BILAN SIYOSIY HAMDA DIPLOMATIK ALOQALARI TARIXI	151
Сайфиддинов Достон. ДОНО ЗИЁЕВАНИНГ ТАДКИҚОТЛАРИДА XIX - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ (МАДРАСАЛАРДА ТАЪЛИМ, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-СОТИҚ МАСАЛАЛАРИ).....	157
Н. А.Жумаева, З.А.Ҳожиева. ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ – ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР ТАРИХИДАН (XIX – АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)	160
Shodiyeva Shahlo Soliyevna, Rahmatilloev Nusratillo Hikmatillo o'g'li. BUXORO AMIRLIGIDA TINCHLIK VA FAVQULOTDA HOLATLARDA YIG'ILGAN	163
Маманов Меҳриддин Дусмурот ўғли. БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ САМАРҚАНД БЕКЛИГИ СИЁСИЙ-МА'МУРИЙ БОШҚАРУВИ ТАРИХИ.....	165
Хўжаёров Асилбек Отабек ўғли. ҚАРШИ ШАҲРИ МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР (XX АСР БОШЛАРИДА)	169
Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли. САВДО – СОТИҚ АЛОҚАЛАРИДА БОЗОРЛАР ВА КАРВОНСАРОЙЛАРНИНГ ЎРНИ	173
Н. А.Жумаева, Ш.С.Ортикова. ҚЎШ ЧИҚАРИШ ЁКИ ЭКИН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ РАСМ - РУСУМЛАР.	176
Zaripov Sodiq Djurayevich. BUXORODAGI «SITORAI MOXI XOSSA» OBIDASI QURILISH ARHITEKTURASI	180
Мубинов Мухаммадали Ақобирович. ИЗУЧЕНИЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА АНГЛИЙСКИМИ ПУТЕШЕСТВЕННИКАМИ (XIX ВЕК)	182
Sharipov Shohruz Faxriddin o'g'li. BUXORO TARIXIGA OID ARXIV MANBALARI (ROSSIYA DAVLAT QADIMGI AKTLAR ARXIVI MISOLIDA)	185
Amonkeldi Axmatov, BUXORO ADABIY HARAKATCHILIGI NAMOYANDALARI	187
Ahmadov Ahmadjon Asror o'g'li, Samadova Rahimabegim Abdusaid qizi. XIX ASRDAGI BUXORO VA ERON SAVDO MUNOSABATLARI XUSUSIDA.....	189
Elmurodova Nigora Jobir qizi. BUXORO AMIRLIGIDA FAOLIYAT YURITGAN OLIY MADRASALAR.....	191
Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли, Эркинова Нилуфар Миршод қизи. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЯГОНА ИМПЕРИЯ БОЖ ТИЗИМИГА КИРИТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ	193
Faxriya Abdurasulova. BUXORO AMIRLIGI DIN ULAMOLARINING MA'NAVIY HAYOTIDA TUTGAN O'RNI	197
Ирискулов О.Ж. БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА САМАРҚАНДДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ.....	201
Bobodustov Bobur Mirzoboyevich. XIX ASRNING OXIRI - XX ASR BOSHLARIDA ZARAFSHON VOHASI SUV XO'JALIGIDA SARFLANGAN XARAJATLARNING TARIXIY-MANBAVIY TAHLILI	204
Джурозода Д.Х. О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ ШКОЛЫ БУХАРЫ В XVIII –ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВВ.	207
У.Муродуллаев. ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА МАНФИТЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ЎРНИ.....	210
Максуд Бешимов. АЙНИЙ ВА МУНЗИМ	212

**ҚЎШ ЧИҚАРИШ ЁКИ ЭКИН ЭКИШ БИЛАН БОҒЛИҚ РАСМ - РУСУМЛАР.
(XIX – АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)**

Н. А.Жумаева

БухДУ ўқитувчи

Ш.С.Ортикова

БухДУ 4 – курс талабаси

Аждодларимиз қўш чиқариш вақтини табиатдаги уйғониш, юлдузларининг ҳолати ва қушларнинг ўлкамизга қайтиб келишига қараб аниқлаганлар. Тажрибали деҳқонлар хут ойининг бошида томдаги қорлар эриб, бўғотлардан сув оқа бошланишини эътибор бериб кузатишган. Ҳатто бу давр ҳақида халқ орасида “Тушгача мугуз¹, тушдан кейин кигиз” деган нақл ҳам бор. Чунки томдан оқаётган қор суви кечга томон музлаб, сумалакка айланади. Шунинг учун “тушгача мугуз”, яъни “шоҳдай қаттиқ” дейишган. Тушдан кейин ҳаво бир оз илиши билан сумалаклар эриб, кигиздай юмшаб қолади.

Анъанага кўра, далага қўш чиқариладиган кунни қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришган. Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда экиш мавсумига оид гурли – туман анъаналарни кашф этганлар. Хусусан, умр бўйи қўш ҳайдаб, омон билан сурилган ерга барака уруғи қадашни яхши кўрган бухоролик кекса қўшчи Хайрулла Мулла Файзулла ўғлининг айтишича, Наврўз ёки йилбоши байрамидан кейинги илк чоршанба куни далага биринчи марта қўш солиш хайрли бўлар экан. Чунки чоршанба чош, яъни мўл – кўл дон уюми тимсоли деб тасаввур қилинган.

Далага илк бор қўш олиб чиқилаётганда, катта-катта дошқозонларда “қўш оши” пишираётган момолар: *“Илоҳим оқликка буюрсин, тўликка чиқайлик! Сенинг шарофатин билан тоғора – тоғора ун элайлик!”*, - деб ҳўкизларнинг шоҳи орасига чимдимдан ун сепишган. Тажрибали деҳқонлардан яна бири Саъдулла Мирсапаровнинг айтишига қараганда, далага қўш чиқараётган кекса миришкорлар: “бу йил ҳосилимизга барака берсин, мўл-кўлчилик бўлсин, оёғинг теккан жойга Бобо деҳқон назар қилсин, хайру баракасини!” деб яхши ният билан ҳўкизларнинг оёқларига ун суртиб қўйишар экан.

Биринчи қўш чиққан куни ҳамма хонадонларда бўғирсоқ пишириб, “ис” чиқариларкан. Ана шу пишириқни кўпчилик еса йил баракали келади, дейдилар. Бўғирсоқ пиширилган мой билан ҳўкизнинг шоҳи, бўйни ва омоннинг тиғи мойланади. Шундан кейин оқсоқоллардан бири эл – юртга омонлик, тинчлик – хотиржамлик ва мўл ҳосил талаб, дуо ўқийди.

Қоракўл туманининг Тангачар қишлоғида яшовчи Остонакул Жўраевнинг айтишича, хутнинг охириги чоршанба (ҳаво агар серёгин келса, йилбоши) куни деҳқон яхши ният билан:

Илоҳи омин,
Еримиз зўр бўлсин,
Эканимиз зар бўлсин,
Буғдойимиз чош бўлсин,
Еганимиз ош бўлсин,
Теварагимиз боғ бўлсин,
Ризку рўзимиз тоғ бўлсин,
Бобо деҳқон давлат берсин,
Хирмонга барака берсин!

деб қўш ҳайдашган. Деҳқонлар экиш учун олиб келган ғалласининг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб кетишаркан. Шундай қилинса, гўё йил бўйи ўша деҳқоннинг рўзгоридан барака аримас экан. Қадимда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истикомат

¹ O'zbek tilining izohli lug'ati. II tom. –Т., 2006. –В. 626.

қилувчи деҳқонлар эса далага бугдой билан бирга бир ҳовуч жийда ҳам сочишган экан. Чунки жийда барака ва серҳосиллик тимсоли сифатида талқин қилинган.

Қадимда ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос рамзий маросим сифатида ўтказилган бўлиб, унда кекса зироаткорлардан бири Бобо деҳқон қиёфасига кириб қўш хайдашни бошлаб берган.¹

Халқимизнинг турмуш тарзи ва тирикчилик манбаини белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири чорвачилик ҳисобланади. Ўзбек халқ тақвимида кўра, асосан икки хил вақт ҳисоби амаллари фаол қўлланилган бўлиб, “чорва ҳисоби” календари бўйича меҳнат мавсуми “деҳқон ҳисоби” 10 кун олдин бошланади. Чорванинг қишлоқ мавсумини яқунлаб, баҳорги мавсумни бошлашда қатор ирим – сиримларга амал қилганлар.

Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Катта Баёт қишлоғида яшовчи 80 яшар чўпон Зиёд Олтиевдан ёзиб олинган маълумотларга кўра, эрта баҳорда чўпонлар сурувни яйловга олиб чиқишдан олдин қўтон-чолисининг олдига катта олов ёқишган. Эрта Эрта тонгда қўйларни қўтондан олиб чиқиб, ана шу гулхан атрофида айлантириб, чўпон таёғини ҳам шу оловга тегизиб, уч марта “ялатиб” олганлар. Бу удум “таёқ қизартирар” дейилган. Шундай қилинса, йил бўйи сурувга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди деб ўйлаганлар. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Бандбоши қишлоғида яшовчи Бобораҳмат Жумаевнинг айтишича, “қўйлар хут ойида яйловга олиб чиқилади ва қишда янтоқ яхлаганидан сўнг қишки қишлоққа қайтариб олиб келинади”.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Паданг қишлоғида қайд қилинган анъанага кўра, сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқаришдан олдин чорвадорлар пири “Чўпон ота” нинг ҳақида дуо ўқилади. Эртаси куни чўпон ҳамқишлоқларининг фотиҳасини олади-да битта нонни синдириб белига бойлаб, қўйларни яйловга хайдаб кетади.

Қўйларни яйловга олиб чиқиладиган ҳосиятли кунни ҳисобдонлардан сўраб аниқлайдилар. Чунки чорва ҳисобини билмаган кишилар молларини чўлга хайдаб, яйловга чиққанлар ва натижада аямажуз, тўғал, аҳман-дахман каби кунлар келиб қолиб бемаҳал яйловга чиқарилган чорваларидан айрилиб қолган. Тажрибали чўпон ана шу кунларни ўтказиб, кейин яйловга чиқиб кетиши керак бўлган. Бойсун туманидаги Кўктепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилган Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, чўпонлар чоршанба ва пайшанбани ирим кўрмайдилар. Жумани улуғ кун деб биладилар. Шунинг учун ҳам “чорва ҳисоби”ни биладиган кишилар қўтон бузиш муддатини кўпинча чоршанбу кунига белгилаганлар. Чунки чоршанбани баракали кун деб билишган.

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Эски маҳалла қишлоғида яшовчи чўпон 1926 йилда туғилган Исмаил Раҳмонкуловдан ёзиб олинган маълумотларга кўра, “чорва ҳисоби” 10 мартдан, яъни аямажуз, хман-дахман, хезим-хирмон кунлари ўтгандан кейин бошланади. “Чорва ҳисоби” нинг боши “Қўтон бузиш” деб аталади. Бу баҳорда тоққа, яйловга кўчиш деган маънони англатган. Кекса чўпонлар “эрта баҳорда йилқилар бир-иккита қулунлагандан кейин чўрчиқал деган қуш келади” дейдилар. Чўрчиқал – бургутдан катта, бошининг тепасида озроқ жойи патсиз бўлган бир қушнинг номи. Чўпонлар бу қушни “ҳисобчўт” дейишади. Улар бу қушни кўргач, “чўрчиқал келди, энди қўтонларни бузиб, яйловга чиқаверса бўлади. Бундан кейин қор, ёмғир, аёзли кунлар хавф солмайди” дейдилар. Чунки бу қуш келган вақтда ернинг иссиғи бетига кўтарилганлиги учун ёққан қор кўп турмай, эриб кетади.

Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда “наврўз чумчук” деб аталувчи қушнинг учиб келиши вақтига ва унинг рангига эътибор беришган: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир кўп ёғади, деб таъбир қилишган.

Тажрибали чўпонлар ўз таёқларини мўътабар деб билганлар. Чўпон таёғининг устидан ҳатлаб ўтиш мумкин бўлмаган, чунки ҳатлаб ўтган одам шу таёқдай қурийди деб

¹ Маматкул Жўраев. Қўшга қўшдим қўш хўкиз // O'zbekiston ovozi. 2007-yil.17- mart.

ирим қилишган. Ҳар йили Наврўз байрамида кекса чўпонлар ўз шогирдларига таёқларини топширишган. Бойсунлик Холик бува Раҳмоновнинг айтишича, “чўпон таёғининг ирими бўлади. Ирими шуки, унинг устидан ҳеч бир инсон ҳатлаб ўтмайди. Унинг ёнида бир ип бўлади, таёқни шу ерга тикиб қўяди. У ерга ҳеч ким бормайдиям, уни ҳеч ким олмайдиам, тегмайдиам”, деб ўйлайдилар.

Ўзбек халқ тақвимининг қадимий ва анъанавий турларидан бири ҳисобланган “чорва ҳисоби” ўз ичига чорвани эрта баҳорда биринчи марта яйловга олиб чиқиш, “қўтон бузиш”, тўл олиш, яйлов алмаштириш, “қирқим”, яъни қўйларнинг жунини олиш, қўчқор қўшиш, кузда яйловдан (тоғ ва тоғолди туманларида) тушиш, қишлоғга қайтиш каби муддатларни ўз ичига олади.¹

Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида эрта баҳорда далаларга сув келадиган асосий ариқ ва каналлар ҳашар усулида лойқадан тозаланган.³ Ҳашар охирида ушбу ариқ, каналларга сой ёки дарёлардан сув очилиб, қурбонлик маросими ўтказилган.⁴ Маҳаллий аҳоли ушбу маросим учун ҳам пул, бухдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплаб, пулга “жонлиқ” (бузоқ, бўз бия, оқ тойчоқ, қўчқор ёки эчки) сотиб олганлар ва уни қурбонлик учун сўйганлар.⁵ Ўрта Осиёнинг баъзи бир ҳудудларида бўғизланган ҳайвон қони сувга оқизилган ёки танаси ҳам сувга ташланиб, сўнгра уни сувдан олиб чиқилган. Хоразмда янги ариқ қазилиб, у Амударёга улаганда, хоннинг буйруғига кўра, мазкур ариқда доимой сув бўлишини тилаб 8 – 10 та сигир ва хўкизлар қурбонлик қилиб ташланган. Сўнгра деҳқонлар сувга тушиб бўғизланган ҳайвонларни олиб чиқишган ва ундан турли таомлар тайёрлаб шу ернинг ўзида ейишган.⁶ Бу одат қадимда сув илоҳлари учун одамларни қурбон қилишнинг сақланиб қолган кўринишларидан бири ҳисобланади.⁷ Фарғона водийси Чотқол тизмаси ён бағридаги Сумсорсойнинг икки қирғоғида жойлашган Дам ва Какликқўргон қишлоқларида ҳам сойдан қишлоқ ариқларига сув очиш жараёнида юқоридаги каби қурбонлик маросими ўтказилган. Деҳқончилик пири бўлган Бувойи Деҳқонга бағишлаб қўчқор қурбонлик қилинган. Андижонда агар сурункали ёмғир ёғмаса, қишлоқ ёки маҳалла қабристонига бориб мол сўйилган. Фарғона вилояти Фарғона туманида деҳқонлар ўз экин майдонлари четларига қурбақаларни тутиб келиб осиб қўйишган. Улар қурбақа ёмғир чақиради, деб ишонишган.¹ Ҳозирда ҳам водийда “Қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида ёмғир ёғади” деган тушунча сақланиб қолган. Биз бу ўринда қурбақанинг маълум маънода, намгарчилик ҳомийси сифатида намоён бўлишини кўрамиз. Ўрта Осиёда қурбақанинг намгарчилик тимсоли бўлганлигини машҳур археолог ва санъатшунос олим Л.И.Ремпель ҳам тасдиқлаб, “Ўрта Осиё халқлари санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, бахт ва омад тимсоли, бамисоли тумор сифатида фойдаланилган”, - деб ёзади.² Дарҳақиқат, қадимда қурбақа образи маълум маънода ёмғир, намгарчилик рамзи, ҳисобланган бўлиб, дунё халқларининг кўпчилигида унинг ёғингарчилик билан боғлиқлиги тўғрисида турли талқинлар учрайди.³

¹ Маматкул Жўраев. Наврўз қўшиқлари. // O'zbekiston ovozi. 2007-yil 20-mart.

³ Ҳашар ва унинг турли-туман кўринишлари борасида қаранг: Бўриев О. Ҳашар элга ярашар. // Ўзбек халқининг боқий кадриятлари. - Қарши, 2005. - Б.57-67

⁴ Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. - С. 179-180; Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. - Т., Ўқитувчи, 2003. - Б. 100-101.

⁵ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма... -С. 238-239; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. - С. 189-190; Древние обряды верования и культы народов Средней Азии... - С.57

⁶ Leonid Pavlovic Potapovs. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekistan aus den Jahren.- P. 23

⁷ Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. -Т., 1957. -С.118-151

¹ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Каштархона қишлоғи. 2004

² Ремпель Л.И. Цепь времени вековые образы и бродячие сюжеты... -С.37.

³ Евсюков В.В. Мифология китайского неолита. - Новосибирск., 1989. - С.94-95; Халилов Х.М. Историческая общность и национальное своеобразие обрядовой поэзии народов Дагестана и Северного Кавказа. // Дагестанский фольклор по взаимосвязи с иноэтническим фольклором. - Махачкала, 1985. -С.19; Календарные обычаи и обряды народов восточной Азии. Годовой цикл.М. 1988.С. 276

Таниқли элшунос олим К. Шониезовнинг ёзишича, қарлуқлар эрта баҳорда далага биринчи марта омов солишдан аввал “ис” чиқаришган. Улар қозонга мой солиб қиздиришган ва кейин унга бўғирсоқ ташлаб, пишириб олганлар. Халқ қарашларига кўра, вафот этган аждодлар руҳлари ана шу “ис” дан баҳраманд бўлиб, ўз яқинларига омад тилашар экан. Пиширилган бўғирсоқни кўни-қўшнилари, яқин қариндошлар биргалашиб истеъмол қилганлар, ҳатто қўшга қўшиладиган хўкизларга ҳам бир оз бўғирсоқ едирилган.⁴ Умуман, ўзбек ва тожик деҳқонлари орасида баҳорда дастлабки ҳайвондан олдин хўкизлар шохлари ва бўйинтуруғини ёғ билан мойлаш одати кенг тарқалган.⁵ Хоразмдаги ўзбек мангитлари орасида баҳорда дастлабки ерга экин экишда “ҳазрати одамнинг ҳақиға” деб хўкизлар шохини мойланган.¹ Ахборотчилар маълумотларига кўра хўкизлар шохларини “ис” ёғи билан мойлаш билан бирга далага олиб чиқилаётган хўкизларни ёмон кўздан асрасин, деган ниятда уларга тумор тақиш одати ҳам бўлган.² Кексаларнинг таъкидлашларича, ушбу иримда шохлари мойланиб, бақувват бўлган хўкиз йил бўйи ҳормай – толмай ишласин, деган мағик ният ўз ифодасини топган.

Бухоро тумани Каптархона қишлоғида авваллари далага дастлабки қўш чиқарилаётган деҳқонлар янги либосларини кийиб, ушбу кунни тўкин-сочинлик ва шоду хуррамликда ўтказишга ҳаракат қилганлар.³ Удумга биноан биринчи қўшни қишлоқнинг ёши улуг кишиларидан бири бошлаб берган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ушбу куннинг бундай тантана билан ўтказилиши биринчи кун магиясига алоқадор бўлган.⁴ Биринчи кун магиясига кўра, бирор-бир фаолият ёки йилнинг бошланиши қандай бўлса, ўша фаолият йил ниҳоясига қадар ана шундай руҳда давом этади, деган тасаввур ҳукмронлик қилади.⁵ Қолаверса, кекса ёшли, бола – чақаси, неvara – чевараси кўп пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли кишининг биринчи қўшни ҳайдаб бериш одати унинг хўжалик юритишдаги бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлмаган. Бу ўринда узоқ умр кўрган, серфарзанд, бадавлат кишининг ўзига хос рамзий фазилатлари заминга, етиштириладиган ҳосилга ўтишига қаратилган ўзига хос мағик қонуният айнан кекса кишининг дастлабки қўшни бошлаб беришига сабаб бўлган. Деҳқонларнинг биринчи марта ер ҳайдаш учун қўш ва хўкизларни ҳам махсус тайёрлаш одати маълум маънода қадимги аграр культлар билан боғлиқ. Ўрта Осиёда қадимда хўкиз серпуштлик рамзи ҳисобланган ва шу боис ерни омов билан ҳайдаш орқали унинг ғайритабиий хусусияти ерга ва етиштириладиган ҳосилга ўтиши мумкин,¹ деган архаик қараш асос бўлган бўлса керак. Элшунос олим Г.П.Снесарев қайд этишича, Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истиқомат қилувчи деҳқонлар далага буғдой билан бирга ҳовуч жийда сочадилар.² Чунки жийда барака ва серҳосиллик тимсоли сифатида талқин қилинган. Бухоролик деҳқонлар эса экиш учун олиб келинган ғалланинг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб келганлар. Шундай қилинган тақдирдагина йил бўйи ўша деҳқоннинг рўзгоридан барака аримайди деб ҳисобланган.³

Умуман олганда, “Қўш чиқариш”, “Шох мойлар”, “Қўш оши” номлари билан аталувчи маросимлар деҳқонларнинг йил бошидаги биринчи иш куни бўлганлиги сабабли уни имкони борича шоду хуррамлик билан кутиб олишга ҳаракат қилинган.

⁴ Шаниязов К. Ўзбеки-қарлуқи. –Т., Фан, 1964. –С.33.

⁵ Ер ҳайдайдиган хўкизлар шохини мойлаш одати Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида кенг тарқалган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Андреев М.С. Тажикҳои долини Хуф. Т.2. //Известия АН ТаджССР. -1958. – С. 62; Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. –Т.1974. – С. 174

¹ Leonid Pavlovic Potapovs. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekistan aus den Jahren.- P. 32

² Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Конибодом тумани. 2004.

³ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи. 2003.

⁴ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.,1986. –Б.52.

⁵ Биринчи кун магияси ва биринчи савдога бўлган мағик ишонч борасида батафсилроқ қаранг: Покровская Р.Я. Земледельческая обрядность. –С. 71

¹ Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнография... - С.431

² Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма... -С.126

³ Жўраев М. Ўзбек халв аграр маросимлари тизимида “шох мойлар”... –Б.86

Биринчи кўш маросими билан боғлиқ архаик инончларнинг асл кўринишлари бутунга келиб асосан унутилиб кетган. Лекин айрим археологик ёдгорликлар ҳамда қоятошларга чизилган суратлар кадимий диний-аграр ритуалларнинг тарихий асослари борасида сўз юритиш имконини беради. Хусусан, Фарғона водийсидаги Соймалитош номли жойдан топилган кадимги қоятош суратларида бир жуфт хўкиз (як)ни кўшга ер хайдаётган дехкон образи тасвирланган. 32 та лавҳани таҳлил қилган Ю.Н.Голодухин милоддан аввалги III минг йиллик охири - II минг йиллик бошларида яшаб, ушбу петроглифларини чизиб қолдирган кабилалар, асосан, дехкончилик билан шугулланганликларини аниқлаган.⁴ Қуёш культининг кадимги тасаввурлар силсиласида тутган ўрнини Соймалитош материаллари асосида тадқиқ этган Г.А.Помаскина эса бу қоятош суратларида баҳорда ер хайдаб экин экиш маросими акс эттирилганлигини эътироф этган.¹

Фольклоршунос олим М. Жўраев ҳам бу лавҳаларни кадимги дехқонларнинг эрта баҳорда ерга биринчи кўш солиш удуми билан боғланган ҳолда, ўзбек маросим фольклори жанрлар таркибида сақланиб қолган “шоҳ мойлар” маросимининг тарихий-генетик асосларини аниқлаш учун нодир манба бўла олади, деб таъкидлайди. Шунингдек, биринчи кўш маросими акс этган бу суратдаги “қуёш одам”лар ҳар бири ўн икки ойдан иборат (“қуёш одам”лар бошидан таралаётган нурлар сони ҳам ўн иккитадан) янги ва эски йилни англатади, - деб ёзган.²

Биз ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқланган ҳолда шуни таъкидлашимиз жоизки, аجدодларимиз кадимдан дехқончиликда афсонавий табиат культини антропоморф шаклда тасаввур қилганлар ва уни ўзларининг мифологик ҳомийси деб билганлар. Кейинчалик мазкур культга бўлган эътиборнинг ўзгариши натижасида у унутила бошлаган ва айнан дехқончилик билан боғлиқ айрим урф – одатлардагина қолдиқ кўриниши тарзида сақланиб қолган.

BUXORODAGI «SITORAI MOXI XOSSA» OBIDASI QURILISH ARXITEKTURASI

Zaripov Sodiq Djurayevich

Buxoro davlat universiteti

“Jahon tarix” kafedrası o'qituvchisi.

XIX asr oxiri XX asr boshlarida nafaqat Buxoro balki butun O'rta Osiyo me'morchiligi va shaharsozligi quyidagi uch yo'sinda taraqqiy etdi.

1. Yevropa shaharsozligining kirib kelishi va O'rta Osiyo shaharlarining yangicha qiyofasi.
2. Mahalliy me'morchilik va rus arxitekturasining o'zaro ta'siri natijasida yuzaga kelgan yangi muhandislik qurilishi yechimlari.
3. Ananaviy me'morchilikning rivoji.

XIX asr oxiri XX asr boshlarida Buxoro vohasida qurilgan me'moriy obidalar, ychimi ko'rkamligi jihatdan boshqa davr me'moriy inshootlardan ajralib turadi. Shunday obidalardan biri Sitorai Moxi Xossadir.

Sitorai Moxi Xossa – mangitlar sulolasining saroyi. Saroyning dastlabki imoratlari amir Muzaffarxon (1860-1885) hukmronligi davrida qurilgan. Biroq bu yerda saroy va xushmanzara bog' barpo etish amir Abdulahadxon hukmronligi davrida (1885-1910) boshlangan. Dehqonlar va amir askarlari kuchi bilan botqoqlik quritilib, chorbog' bunyod etilgan. Saroy Yevropa va Isfaxon saroylari hamda Buxoro arxitekturasini negizida qurilgan. Qurilishga saroy me'mori Hoji Hafiz rahbarlik qilgan. Amir Olimxon hukmronligi davriga kelib (1910-1920) yangi saroy tiklangan va shu davrdan boshlab saroy kompleksi yangi va eski saroyga ajratiladigan bo'ldi.

⁴ Голодухин Ю.Н. Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймалы-Таша. // Первобытное искусство. – Новосибирск. Наука. 1971. –С. 202.

¹ Помаскина Г.А. К вопросу о культе солнца в верованиях ранних кочевников Прииссыккуля. // Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. –Л.: Наука, 1975. - 29

² Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида “шоҳ мойлар” ... –Б.87